

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FIL.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲАММАДАЛИЕВА МАДИНА НОСИРЖОН ҚИЗИ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ КАСБ-ҲУНАР НОМЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Муҳаммадалиева Мадина Носиржон қизи

Ўзбек тилидаги касб-ҳунар номларининг лексик-семантик ва деривацион
хусусиятлари 3

Муҳаммадалиева Мадина Носиржон қизи

Лексико-семантические и деривационные особенности названий
профессий в узбекском языке 25

Mukammadaliyeva Madina Nosirjon daughter

Lexis-semantical and derivational peculiarities of the names of professions in
the Uzbek language 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FIL.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНҒАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲАММАДАЛИЕВА МАДИНА НОСИРЖОН ҚИЗИ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ КАСБ-ҲУНАР НОМЛАРИНИНГ
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.4.PhD/Fil 1032 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Одилов Ёрқинжон Раҳмоналиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Искандарова Шарифа Мадалиевна
филология фанлари доктори, профессор

Нормаматов Султонбек Эрмаматович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Самарқанд давлат университети


Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «1» июль соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (+993873) 244-44-49; факс: (99873) 244-66-03; e-mail: farduinfo@umail.uz.)


Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (420 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-66-03).

Диссертация автореферати 2021 йил «18» июль кuni тарқатилди.
(2021 йил «18» июль даги 27 рақамли реестр баённомаси).




А.А.Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор


М.Т. Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент


А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида луғавий бирликларнинг, жумладан, касб-хунар сўзларининг лексик-семантик, этимологик, ономасиологик, деривацион, синтагматик ва прагмалингвистик хусусиятлари тадқиқи доимо эътиборда бўлиб келган. Халқаро тиллар, жумладан, рус тилида касб-хунар номлари классификатори, касб-хунарга оид терминологик, изоҳли луғатлар яратилган. Ҳозирги кунга келиб, касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳини замонавий тилшунослик тамойилларида тадқиқ этиш ва миллий ҳамда халқаро касб-хунар номларининг электрон, энциклопедик луғатларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида лексикология тил ҳақидаги фаннинг ривож топган ва такомилга эришган соҳаси ҳисобланади. Тил луғат таркиби макросемантик ва микросемантик майдонларга, улар, ўз навбатида, муайян мавзуй ва лексик-семантик гуруҳларга ажратиш асосида тизимли тадқиқ этилган. Бугунги кунда ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатидан бойиб, такомиллашиб бораётган тил луғат таркибини, жумладан, касб-хунар номларининг лексик-семантик ва деривацион хусусиятларини тарихий ҳамда замонавий аспектларда тадқиқ этиш кун тартибидаги зарур вазифалардан бирига айланди.

Бугунги кунда ўзбек тилининг лексик сатҳи бирликлари борасидаги тадқиқотлар сифати ҳам, салмоғи ҳам бошқа тил сатҳлари бирликларига қараганда кўпроқ бўлса-да, касб-хунар номларининг лексик-семантик ҳамда деривацион хусусиятлари монографик тарзда ўрганилмаган, уларнинг тарихий такомил йўли юзасидан назарий умумлашмалар чиқарилмаган. Бинобарин, “инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”¹. Шу жиҳатдан шахс семантик микромайдонига мансуб касб-хунар номларининг лексик-семантик ва деривацион хусусиятларини тилнинг тарихий тараққиёти ракурсида асослаш, касб-хунар номларининг семантик структураси ва шаклий тузилишидаги янгиланишларни очиб бериш ана шундай вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 20.

оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг 20-30-йилларида В.Гумбольдтнинг «тилнинг ички шакли» хусусидаги таълимотининг янги йўналишда қайта кўриб чиқилиши билан боғлиқ тарзда майдон назарияси пайдо бўлди. Бу таълимотни Л.Вайсгербер ва И.Трир тушунчавий моҳияти жиҳатидан, Г.Ипсен ва В.Порциг сўзларнинг мазмуний гуруҳи ҳамда системаси, Ф.Дорнзайф ва Вартбург эса тилнинг луғат таркибига хос предметлик ва тушунчалар гуруҳи нуқтаи назаридан ривожлантирди.

Ўзбек тилшунослигида кейинги йилларда лексика, лексик сатҳ бирликлари Ш.Искандарова, А.Собировлар томонидан майдон назариясига мувофиқ системалар системаси сифатида тадқиқ этилган ва бу назариянинг илмий асослари яратилган.¹ С.Иброҳимов, М.Асомиддинова, Х.Бақоева, Т.Турсунова(Дадахонова), Н.Усмонова, Қ.Сапаев, О.Тўракулова, И.Пардаева, М.Алиевалар²нинг ўзбек тили профессионализмларига доир тадқиқотларида айрим касб-ҳунар номларининг лексик-семантик хусусиятлари, М.Абдиев томонидан шахс номларининг ясалиш омиллари³ ўрганилган, бироқ касб-ҳунар номлари махсус тўпланмаган, мавзуй гуруҳланмаган, тарихий-этимологик, лексик-семантик, деривацион жиҳатдан монографик тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация

¹ Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.

² Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. – Тошкент: Фан, 1959. – II-III т. – 456 б.; Асомиддинова М. Назавания одежди и ее частей в ўзбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Бакаева Х. Терминология золотого шития Бухары и Гиждувана: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971; Турсунова (Дадахонова) Т. Лексика вышивалиного искусства в узбекском языке: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971; Усмонова Н. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореферати. – Тошкент, 1994; Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984; Тўракулов О. Кўкон ва унинг атрофидаги қишлоқларда уй қурилишига оид сўзлар // Кўкон ДПИ ўзбек тили ва адабиёти тўплами, 1971. – Б.8-10; Пардаева И. Ўзбек тилининг заргарлик терминологияси: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореферати. – Тошкент, 1994. – 27 б.; Алиева М. Ўзбек миллий газлама дизайнерлиги терминларининг семантик-грамматик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа док. дис. автореф. – Фарғона, 2018. – 52 б.

³ Абдиев М. Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалиш асослари. – Самарқанд: Тафаккур, 2015. – 248 б.

Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилининг системавий тадқиқи” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги касб-хунар номларининг лексик-семантик ва деривацион хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилидаги касб-хунар номларининг тараққиёти ва такомиллини ёритиш;

касб-хунар номларининг тарихий-этимологик манбаларига кўра таснифи ва таҳлилини бериш;

касб-хунар номларининг луғавий-маъновий хусусиятларини очиб бериш;

айрим касб-хунар номларини тарихий-этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

касб-хунар номлари тизимидаги дублетлик ва синонимия ҳодисаларини ўрганиш;

касб-хунар номларининг деривацион усуллари ва моделларини аниқлаш;

ўзбек тилидаги янги касб-хунар номларининг лексик-семантик таҳлилини бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарихий ва замонавий луғатлар, оммавий матбуот нашрлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини касб-хунар номларини ифодаловчи луғавий бирликларнинг луғавий-маъновий, номинацион-мотивацион, деривацион хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, қиёсий-тарихий, лексик-семантик, номинацион-мотивацион, деривацион ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳи кишиларнинг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти ва муайян иш турини ифодалашига кўра шахс семантик микромайдонига мансублиги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий ва бошқа ўзгаришлар таъсирида бойиб, такомиллашиб бориши далилланган;

ўзбек тилининг касб-хунар номлари семантик майдони тил тараққиётининг кейинги босқичларида форс-тожик, араб, рус тили ва бошқа хорижий тиллар таъсирида тараққий этиши, айрим туркий касб-хунар номлари ўзлашмалар билан алмашиб, эскирган луғавий қатламга ўтиши асосланган;

касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳининг иш жойи, тури, меҳнат асбоблари, қуроллари, ишлаб чиқарилган маҳсулот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ номинацион-мотивацион асослари аниқланган ва тиббиёт, таълим, савдо-сотик, қурилиш, меъморчилик, қишлоқ хўжалиги, спорт, матбуот ва оммавий ахборот, ҳуқуқ, суд, молия, иқтисод ҳамда бошқа соҳаларга хосланиш жиҳатлари белгиланган;

касб-хунар номларининг морфологик, синтактик усуллар орқали ясалиши, ясовчи воситалар ва уларнинг қўлланиш даражаси, тузилишига

кўра *асос+чи*, *асос+шунос*, *асос+фуруш*, *асос+наз*, *асос+кор* каби деривацион моделлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳи тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар лексикология соҳасини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши, лексикология, лексикография, сўз ясалиши каби соҳалар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган;

диссертация материаллари ўзбек тилининг изоҳли, соҳавий ва терминологик луғатларини, жумладан, касб-хунар номлари изоҳли луғатини тузишга манба бўлиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, методологик тўғрилиги ҳамда қўйилган масалага аниқ ечимлар топилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили лексикологиясини касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳининг ривож, такомил, деривацион хусусиятлари ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитишда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таҳлилга тортилган материаллар, чиқарилган хулосалар ўзбек тили лексикологиясига оид дарслик ва қўлланмаларни ёзишда, олий ўқув юртларида лексикология бўйича махсус курслар ўтказишда, умумий ўрта таълим мактабларида шахс отлари, хусусан, касб-хунар номларига доир мавзуларни ўқитишда манба вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили касб-хунар номларининг лексик-семантик ва деривацион хусусиятлари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалари асосида:

ўзбек тилидаги касб-хунар номлари мавзуй гуруҳининг лисоний такомил, лексик-семантик таснифи ва тавсифи ҳамда касб-хунарга доир лисоний-маданий бирликлар, янги касб номлари таҳлиliga доир хулосалардан Қўқон давлат педагогика институтида 2017-2019 йилларда бажарилган 574097-ЕРР-1-2016-1-СҮ-ЕРРКА2-СВНЕ-ЈР«RUECVET: Пилотирование Европейской системы перевода зачетных единиц (кредитов) для профессионального образования и обучения России и Узбекистана» номли халқаро лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5279-сон маълумотномаси). Натижада касб-хунар таълими ҳақидаги илмий-методик қарашлар касб ва хунар номларига доир лисоний талқинлар билан мазмунан бойитилган.

касб-хунарларни ифодаловчи сўзларнинг лексик-семантик таснифи, номинацион-мотивацион, ясалиш хусусиятларига доир илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида 2015-2017 йилларда бажарилган “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида

магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғатини тузиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида “Матн лингвистикаси”, “Когнитив лингвистика” номли ўқув қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар изоҳли луғатини тузишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўртамахсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 89-03-5279-сон маълумотномаси). Натижада сўзларнинг лексик-семантик таснифи, номинацион-мотивацион, ясаиш хусусиятларига доир илмий-назарий қарашлар бойитилган.

диссертациядаги *касб, ҳунар, касб-ҳунар сўзлари ва блогер, бизнесчи, дастурчи, дилер, маркетинг, пайнетчи, тижоратчи, нанотехнолог, имижмейкер* каби янги касб-ҳунар номларининг этимологияси, маънолари, синонимлари, қўлланиши ҳамда ясаишига оид илмий хулосалардан 2019-2020 йилларда Ўзбекистон миллий телерадио компанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллий маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 2 декабрдаги 142-сон маълумотномаси). Натижада радиодастурларда берилган мазкур илмий натижалар тингловчиларнинг ўзбек тилидаги касб-ҳунар номларининг лисоний хусусиятларини ўрганишларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, (7 та республика ҳамда 1 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова тарзида берилган ўзбек тили касб-ҳунар номларининг умумий рўйхатидан иборат бўлиб, 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Касб-ҳунар номларининг лексикографик ва тарихий-этимологик талқини”** номли биринчи боби 2 бўлимдан иборат. Бобнинг

дастлабки “**Касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳи ва унинг лексикографик талқини**” номли бўлимида лексик-семантик майдон тушунчаси, касб-хунар номлари ҳам шахс номлари семантик майдонига мансублиги, жаҳон ва ўзбек тилшунослигида касб-хунар номларини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар, касб-хунар номлари маъновий гуруҳини ифодаловчи *касб, хунар* ва уларнинг жуфтлашуви асосида юзага келган *касб-хунар* сўзларининг лексик-семантик хусусиятлари, *касб-хунар* номларини ифодаловчи луғавий бирликларни *унвон, мансаб, лавозим* билдирувчи сўзлардан фарқлаш лозимлиги, касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳига хос хусусиятлар ва уларнинг лексикографик талқинлари ёритилган.

Шахснинг касб-кори, иш-фаолияти нуқтаи назаридан номловчи отлар, яъни касб-хунар номлари шахс номлари микромайдонини энг катта асосий гуруҳини ташкил қилади. Азим Ҳожиёв таъбири билан айтганда, “Бу қонуний ҳол. Чунки инсон (одам), бошқа жонли зотлардан фарқли ҳолда, фикрлаш, сўзлаш, меҳнат қилиш қобилиятига эга. Умумлаштириб (содда қилиб) айтганда, инсон ақлий ва жисмоний меҳнат қилувчи зот. Шахс отларининг асосий қисми инсонни ана шу белгиларига кўра, уни иш-фаолияти билан боғлиқ ҳолда атайди”.¹

Касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳига кишиларнинг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти ва муайян иш турини ифодаловчи лексемалар киради. Масалан, *врач, ўқитувчи, тарбиячи, ҳисобчи, дурадгор, косиб, деҳқон* каби.

Ўзбек тилидаги касб-хунар номлари ҳақида сўз юритганда, мазкур маъновий гуруҳ номини ифодаловчи *касб, хунар* ва уларнинг жуфтлашуви асосида юзага келган *касб-хунар* сўзларининг лексик-семантик хусусиятларига тўхталиш жоиз.

Касб арабча кўп маъноли *касаба* феълининг *ўз меҳнати билан маблағ топмоқ* маъносидан ҳосил қилинган бўлиб, араб тилида “фойда”, “ютук”, “маош” маъноларини англатади.² *Касб* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги маъноларда қўлланади:

1. Иш-фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; хунар. *Бу киши ўзлари ҳосилот, касблари агроном, кечки мактабда муаллимлик ҳам қиладилар.* (А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари)

2. Умуман, одат қилинган иш; одат. *Молнинг тилини билиш ҳам ўзига яраша касб экан.* (Ўлмас Умарбеков, Шонли авлод).³

Демак, ўзбек тилида *касб* сўзининг маъно доираси торайган бўлиб, “кишининг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти тури; муайян иш турини малакали бажаришга имкон берадиган билим, маҳорат” маъноларини англатади.

Хунар сўзи асли арабча бўлиб, *санъат; билим, кўникма, маҳорат, усталик; касб* каби маъноларни билдиради.

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 62.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2003. – 2-ж. – Б. 197.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 2-ж. – Б. 328.

Хунар сўзининг ўзбек тилига тожик тилидаги шакли олинган бўлиб, асли “лаёқат”, “санъат” маъноларини англатади. Кейинчалик *касб* маъносини ҳам англата бошлаган.¹ Демак, *хунар* ва *касб* сўзлари ўзаро синоним.

Хунар сўзи эски ўзбек адабий тилида қуйидаги маъноларда ишлатилган:

1. *Хунар*, иш, яхши иш, ҳаммага маъқул иш.

2. Маҳорат, моҳирлик.

Эски ўзбек адабий тилида, хусусан, Алишер Навоий асарларида *хунар* асосидан ясалган *хунарвар*, *хунарий*, *хунаркор*, *хунарманд*, *хунарпарвар* каби сўзлар ҳам истеъмолда бўлган.²

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *хунар* луғавий бирлиги қуйидаги маъноларни англатади:

1. Муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот; *касб*. *Хунар*, *хунардан унар*. (Мақол)

2. Бирор ишдаги маҳорат, санъат; моҳирлик, усталик талаб этувчи иш, хатти-ҳаракат. *Чекиниш учун ҳам хунар керак, бу ҳам санъат талаб қилади*. (Ойбек, Қуёш қораймас)

3. Одат тусидаги иш-ҳаракат. *Аммо эски хунарингизни қилиб, отамга чақсангиз, мендан шафқат кутманг!* (Мирмуҳсин, Меъмор)

4. Бўлмағур, келишмаган хатти-ҳаракат, қилиқ, одат. *Абдушукур, овозини бунчалик бошқача қилишини кимдан ўргандинг? Хунарингга балли-е...* (Ойбек, Танланган асарлар)³

Бундан кўринадики, тил таракқиёти давомида *хунар* сўзининг маъно доираси кенгайган.

Касб ва *хунар* сўзлари жуфт ҳолда *касб-хунар* шаклида қўлланганида кенгроқ тушунча англашилади.

Тилмиздаги *касб-кор*, *пеша* сўзлари ҳам *касб*, *хунар* сўзлари билан ўзаро синонимликка эга.

Касб-кор жуфт сўзи арабча *касб*, “иш” маъносини англаувчи тожикча *кор* сўзларидан тузилган бўлиб, *касбу кор* шаклига ҳам эга, “иш-фаолият тури”, “иш-машғулот” маъносини англатади.⁴

Пеша эса эски ўзбек адабий тилида “иш, амал, хунар, одат, санъат” маъноларини англатган бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида эскирган сўз ҳисобланади.

Юқоридаги луғавий бирликларнинг қўлланиш хусусиятларига келсак, улар этимологик жиҳатдан айнан бир тушунчани англатса-да, ҳозирда маъно кўлами нуқтаи назаридан маълум фарқларга эга.

Касб сўзи олий маълумотли мутахассисларга, *хунар* луғавий бирлиги муайян меҳнат кўникмасига эга шахсларга, хусусан, хунармандларга нисбатан қўлланиши кузатилади ҳамда *касб-хунар* жуфт сўзида эса ҳар икки сўзга хос маъноларнинг умумлашган, жамланган ҳолати ифодаланади. Демак, *касб-хунар* луғавий бирлигининг маъно кўлами кенг бўлиб, *барча*

¹ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2009. – Б. 280.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1985. – 4-ж. – Б. 203.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 5-ж. – Б. 561-562.

⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2003. – 2-ж. – Б. 197.

турдаги кишилар меҳнат фаолияти билан боғлиқ мутахассислик, ихтисосликларни ифодалайди.

Ўзбек тилида *ихтисос* сўзи ҳам қўлланади. *Ихтисос* луғавий бирлиги *илм-фан, техника, санъат соҳаларида ҳар бир мустақил касб, мутахассислик; касбий малака* маъноларини билдиради.¹ Демак, *ихтисос* сўзи *касб, мутахассислик* сўзлари англатган тушунчаларга нисбатан торроқ маънода қўлланади ва муайян касб ёки мутахассисликнинг бирор соҳасини англатади.²

Мутахассислик сўзи арабча бўлиб, *бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган киши, ихтисос эгаси* маъносини англатади. Масалан, *қишлоқ хўжалиги мутахассиси, филология мутахассиси* каби.

Касб-хунар номларини ифодаловчи луғавий birlikларни *унвон, мансаб, лавозим* билдирувчи сўзлардан фарқлаш лозим. Тўғри, улар инсоннинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ тушунчаларни ифодалагани боис айнан бир хил мавзуй гуруҳга мансуб сўзлардай туюлади, бироқ мазкур луғавий birlikлар архисемалар сифатида шахснинг меҳнат фаолиятига доир турли тушунчаларни ифодалаш билан фарқланади.

Касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳи қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ўзбек тилидаги шахс номлари микросемантик майдонининг касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳига мансуб луғавий birlikлар кишиларнинг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти ва муайян иш турини ифодалайди. Масалан, *дурадгор, косиб, сувоқчи, тандирчи, ўқитувчи, врач, ҳисобчи* каби.

2. Касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳининг яна бир хусусияти унинг очиқлигидир. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа ўзгаришлар таъсирида янгиланиш, эскириш асосида бойиб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Масалан, *баковул, ясовул, миршаб, тилмоч* каби касб номларининг ҳозирда эскиргани, тилимизга истиклол йилларида хорижий тиллардан *блогер, бизнесмен, дилер, менежмент* каби янги касб-хунар номларининг кириб келгани, *тижоратчи, паттачи* сўзларининг истеъмолга қайтгани каби.

3. Касб-хунар номлари умумий (интеграл) ва фарқли (дифференциал) белгиларга эга. Уларнинг барчаси инсонни ифодалаш билан, шахс номлари микросемантик майдонига мансублиги билан умумийлик, муайян соҳага, унинг бирор гуруҳига доир касб-хунар номини англатиши билан фарқлилик белгисига эга.

Ўзбек тилида касб-хунар номлари кишиларнинг меҳнат фаолияти, доимий машғулоти ва муайян иш турини ифодалашига кўра, шахс семантик микромайдонида алоҳида лексик-семантик гуруҳни ташкил этади ва ўз ичида муайян соҳага хосланганлиги асосида мавзуй гуруҳларга бўлинади.

4. Умумийлик-хусусийлик диалектикаси бутун диалектиканинг, яъни бутун борлиқ – табиат ва жамиятнинг асосий муносабат қонунларидан бири бўлганлиги сабабли тилда ҳам ифодаланади, яъни воқеланади, юзага чиқади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. – 2-ж. – Б. 247.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 4-ж. – Б.298.

Бу касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳида ҳам кузатилади. Айрим касб-хунар номлари умумийлик ва хусусийлик ифодалайди.

Уста деганда хунар билан шуғулланувчи малакали мутахассис тушунилади. Бу унинг умумий маъносидир. Энди *уста* хунар номи “соатсоз уста, эшикдўз уста, тикувчилик устаси, спорт устаси” каби маънолари билан хусусийликни ифодалайди.

Ўқитувчи “фан, тарбия асосларидан бирини ўқитадиган, дарс берадиган киши; муаллим” луғавий маъноси билан умумийлик, *адабиёт ўқитувчиси, география ўқитувчиси, математика ўқитувчиси, musiқа ўқитувчиси, физика ўқитувчиси* каби касб номларини англатиши билан хусусийлик ифодалайди.

Врач олий маълумотли (ўрта маълумотли тиш врачларидан ташқари) тиббиёт ходими маъносига кўра умумийлик хосил қилса, қайси соҳаси, мутахассислиги бўйича хусусийлик юзага келади: *болалар врачлари, ветеринария врачлари, баленеолог, доктор, шифокор, жарроҳ (хирург), врачларинголог, стоматолог* каби.

Сотувчи касб-хунар номи савдо-сотик билан шуғулланувчи касб эгаси. Бу унинг умумийлигидир. Энди қайси маҳсулот савдоси билан шуғулланишига қараб хусусийлик юзага келади: *баққол, баззоз, аттор, ун сотувчи, ёғ сотувчи, балиқфуруш* каби.

5. Касб-хунар номларини ифодаловчи сўзлар доирасида вариантдорлик ҳам кузатилади. Бу мазкур мавзуй гуруҳнинг қадимийлиги, фаол қўлланиши, шеваларнинг кўплиги билан изоҳланади: *боғбон // бо:бон, шофёр // шўпир, табиб // табиб, тамбурчи // тамбирчи, сурнайчи // суннайчи, соатсоз // соғатсоз, деҳқон // дийқон // дееқон, чўлиқ // чўлиқчи, чорвадор // чорвачи, газинадор // хазинадор, газиначи // хазиначи, ҳалвогар // ҳолвагар* каби.

6. Шахс номлари микросемантик майдонига хос тарзда касб-хунар номлари ҳам гендерологик хусусиятга эга. Ўзбек тилида жинс категорияси бўлмаса-да, бошқа тиллардан ўзлашган касб-хунар номларини маъновий жиҳатдан жинсий хосланганлиги кузатилади: *муаллима, шоира, котиба, раққоса* каби.

7. Баъзи касб-хунар номлари жуфлашиб, бир-бирига яқин касб-хунар эгаларини умумлаштириб, жамлаб атайди: *чўпон-чўлиқ* (чўпон ва чўлиқлар).

8. Айрим касб-хунар номларида даражаланиш ҳам мавжуд: *чўлиқ* (кичик чўпон, чўпоннинг ёрдамчиси) – *чўпон* (яйловда майда мол боқувчи киши); *гулчи* – *ҳаваскор гулчи* каби.

Бобнинг “**Касб-хунар номларининг тарихий-этимологик манбалари ва тарихий таракқиёти**” номли 2-бўлимида ўзбек тилидаги касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳининг лисоний ривожи ва такомилли, тарихий-этимологик манбалари, араб, форс-тожик, рус ва бошқа хорижий тилларидан ўзлашган касб-хунар номлари тарихий ҳамда замонавий луғатлар асосида атрофлича ёритилган.

Ўзбек тилидаги касб-хунар номларининг тарихий-этимологик манбасига кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Ўз қатламга мансуб касб-хунар номлари.
2. Ўзлашма қатламга мансуб касб-хунар номлари.

Биз ўзбек тили касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳи лисоний ривожига ва такомиллини тарихий ҳамда замонавий луғатлар асосида ўрганишга ҳаракат қилдик. Қадим замонлардан бери туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар жуда кўплаб касб ва хунарлар билан машғул бўлишган. Шу сабабдан ўзбек тили лексикасида ўз қатламга мансуб касб-хунар номлари салмоқли ўрин тутади. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” бўйича тўпланган касб-хунар номлари таҳлил қилинди.

“Девону луғотит турк”да 40 га яқин касб-хунар номлари берилган: *этуқчи* (*этикдўз*), *сатғуч* (*сотувчи*), *сугаргучи* (*сугорувчи*), *темурчи* (*темирчи*), *қоругчи* (*қўруқчи*), *ажақчи* (*қуллол*), *эмчи* (*табиб*), *этмакчи* (*новвой*), *жатчи* (*афсунчи*), *жирағу* (*чолғувчи*, *ашулачи*), *жичи* (*тикувчи*), *журчи* (*хунарманд*, *уста*, *йўл кўрсатувчи*), *отачи* (*табиб*), *салчи* (*ошпаз*), *сарт* (*савдогар*), *сағун* (*табиб*), *табуғчи* (*хизматкор*), *тергучи* (*тўпловчи*) каби.

“Девону луғотит турк” асаридаги *этуқчи* – *этикдўз*, *сатғуч* – *сотувчи*, *сугаргучи* – *сугорувчи*, *темурчи* – *темирчи*, *қоругчи* – *қўруқчи* каби касб-хунар номлари нафақат қадимги туркий тилда ва эски ўзбек тилида, балки айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланмоқда.

Алишер Навоий асарларида 300 дан ортиқ касб-хунар номлари қўлланган: *адиб*, *аёлғучи*, *аламкаш*, *баззоз*, *баковул*, *бахши*, *бахясоз*, *бовурчи*, *боркаш*, *боғбон*, *бузкаш*, *вазир*, *воиз*, *гулчин*, *дабир*, *далк*, *даллол*, *дарбон*, *деҳқон*, *дидбон*, *донарез*, *доягар*, *доранда*, *жоду*, *жат*, *жомабоф*, *зориб*, *закотчи*, *итмакчи*, *йиров*, *каниз*, *кемачи*, *лашкар*, *лаҳнапардоз*, *мактабдор*, *маллоҳ*, *марзбон*, *массоҳ*, *матбахий*, *мисоҳат*, *мошита*, *мубошир*, *муздур*, *мулозим*, *муний*, *мураббий*, *мусаввир*, *муҳаддис*, *муҳандис*, *муҳосиб*, *муҳрдор*, *мавокаш*, *мавосоз*, *мавкар*, *нажжор*, *найзачи*, *нақшбанд*, *нақшсоз*, *наққош*, *новакаш*, *нозир*, *новвой*, *нотик*, *обпоиш*, *ошпаз*, *оҳангар*, *пайк*, *пойкор*, *саббоғ*, *сабукаш*, *савдогар*, *савдопеша*, *сайёд*, *сакбон*, *таббоҳ*, *табиб*, *таҳвилдор*, *темирчи*, *тешавор*, *фаррош*, *хидам*, *хозин*, *чокар*, *чўпон* каби.¹

Булардан *аёлғучи*, *анборкаш*, *аттор*, *ахтаришунос*, *ахтачи*, *баззоз*, *баковул*, *банно*, *барбатнавоз*, *барзагар*, *бони* // *боний*, *дойгар*, *нақшпайванд*, *новакаш*, *розалиқ*, *ваззон*, *гулчин*, *гўркан*, *гўянда*, *дабир*, *дарбон*, *дарёгард*, *дарёкаш*, *дидбон*, *дирамсанж*, *дойгар*, *итмакчи* каби касб-хунар номлари эскирган, *аламкаш*, *дирамсанж*, *закотчи*, *жаллод*, *канизак*, *коҳин*, *сарроф*, *шиғовул* каби касб-хунар номлари историзмлар қатлаמידан ўрин олган.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган *адиб*, *бахши*, *меъмор*, *муҳандис*, *муаллим*, *мураббий*, *мусаввир*, *новвой*, *ошпаз*, *раққос*, *савдогар*, *созанда*, *сувчи*, *табиб*, *темирчи*, *фаррош*, *хаттот*, *наққош*, *даллол*, *деҳқон* каби касб-хунар номлари ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам фаол қўлланмоқда.

Ўзбек тилидги ўзлашма касб-хунар номларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган касб-хунар номлари.
2. Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган касб-хунар номлари.

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. – 1-5-жилдлар.

3. Ўзбек тилига рус ва бошқа хорижий тиллардан ўзлашган касб-хунар номлари.

Араб тилидан ўзбек тилига касб-хунар номларининг ўзлашувига куйидаги омиллар сабаб бўлган:

1. Араблар истилоси.
2. Ислом динининг қабул қилиниши.
3. Араб ёзувининг қўллана бошлаганлиги.
4. Мадрасаларда араб тилининг ўқитилиши.
5. Туркий-араб икки тиллигининг таркиб топганлиги.
6. Илмий асарларнинг араб тилида яратилганлиги ва бошқалар.

Араб тилидан касб-хунар номларининг ўзлаштирилиши ўтмишда фаол бўлган, ҳозир эса бу жараён деярли тўхтаган. Айрим арабча касб-хунар номлари эскириб, историзм ёки архаизмлар қаторига ўтиб қолган. Масалан, *баззоз, жарчи, машишқ, мироб* каби.

Ўзбек тилига араб тилидан кўплаб касб-хунар номлари ўзлашган: *адиб, аттор, баззоз, баққол, косиб, котиб, машишқ, меъмор, мироб, муаллим, мударрис, мураббий, мусаввир, мухбир, муғанний, шифокор, шоир, қассоб, қиссанавис, гаввос, ҳаким, ҳаммол, ҳофиз*.

Форс-тожик тилидан ўзбек тилига касб-хунар номларининг ўзлаштирилишига куйидаги омиллар сабаб бўлган:

1. Ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир ҳудудда, бир хил ижтимоий тузум, иқтисодий ва маданий-маънавий муҳитда яшаб келаётганлиги.

2. Ўзбек-тожик ва тожик-ўзбек икки тиллигининг кенг тарқалганлиги.

3. Форс-тожик тилида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги.

4. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида тожик тилининг алоҳида мавқега эга бўлганлиги.

5. Адабиёт, санъат, маданият, урф-одатдаги муштараклик ва бошқалар.¹

Ўзбек тилига форс-тожик тилидан 40 дан ортиқ касб-хунар номлари ўзлашган. *Жумладан, аравасоз, аравакаш, бастакор, бинокор, бозоргир, бозбон, газламафуруш, гиламдўз, гўрков, дарвозабон, заргар, зардўз, кабобпаз, кавушдўз, каштадўз, мардикор, маҳсидўз, мевафуруш, мўйнадўз, навозанда, новвой, ошпаз, пазанда, савдогар, сартарош, сомсапаз, уста, хонанда, чилангар* каби.

Ҳозирги кунда ҳам фан-техника ривожини натижасида инглиз, немис, француз ва бошқа кўплаб дунё тилларидан касб-хунар номлари ўзбек тилига кириб келмоқда. Ўзбек тили касб-хунар номлари маъновий гуруҳи тил таракқиётининг барча босқичларида ички ва ташқи лисоний ҳамда нолисоний омиллар таъсирида бойиб, такомиллашиб борган.

“Ўзбек тилидаги касб-хунар номларининг луғавий-маъновий таснифи ва тавсифи” номли 2-бобнинг 1-бўлимида **“Касб-хунар номларининг лексик-семантик таснифи ва таҳлили”** берилган.

¹ Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Талқин, 2005. – Б. 191.

Ўзбек тилидаги касб-хунар номлари бир қанча мавзувий гуруҳларга бўлинади. Биз ўзбек тилидаги касб-хунар номларини қуйидаги мавзуий гуруҳларга ажратишни лозим топдик:

I. Таълим соҳаси билан боғлиқ касб-хунар номлари. Бу гуруҳга қуйидаги касб номлари мансубдир: *муаллим, мураббий, педагог, ўқитувчи, тарбиячи, йўриқчи* каби.

Таълим-тарбия билан боғлиқ касб-хунар номлари ичида энг қадимийларидан бири бўлган *педагог* сўзи юнонча бўлиб, манба тилида *тарбиячи* деган маънони англатади. Ҳозирги ўзбек тилида *педагог* болалар ва ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш билан шуғулланувчи, шу соҳа бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган шахс, ўқитувчига нисбатан қўлланади. Ушбу сўз ана шу маъноси билан ўзбек тилида ихтисослашган.

Муаллим арабча сўз бўлиб, *ўргатувчи, ўқитувчи, устоз* деган маъноларни англатади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўп маъноли сўз сифатида қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Дарс берувчи киши; ўқитувчи, педагог: *математика муаллими.*

2. Таълим берувчи, бировга бирор нарса ўргатувчи киши: *устод // устоз.* Муаллим сўзида ҳам ихтисослашиш хусусияти бор, аммо педагог сўзига қиёслаганда бу жиҳат бир мунча камроқ.

Мураббий арабча сўз бўлиб, *тарбиячи* маъносини англатади ва ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. *Айн.* тарбиячи: *Мураббий – бола қалбида ниш ура бошлаган умид гунчаларининг меҳрибон соҳибидир.* (Усмонов С., Одобнома)

2. Иш фаолиятида раҳбарлик, раҳнамолик қилувчи; устоз, раҳнамо: *Хосиятхон фақат Назиранинг устозигина эмас, қанчадан-қанча қиз-жувонларнинг мураббийси.* (Шукуров Ё., Марғилон гўзали)

3. Спортнинг муайян тури бўйича яқка ва жамоавий тарзда машқлар қилдириш орқали муайян кўникмаларга ўргатувчи, тегишли соҳадаги малака-маҳоратни ўстирувчи устоз; тренер: *Футбол жамоасининг мураббийси.* (Газетадан)

Ўқитувчи – фан, тарбия асосларидан бирини ўқитадиган, дарс берадиган киши: *Оққўлга ўхшаган узоқ қишлоқларга ўқитувчи етишмас эди.* (Қодиров П., Қора кўзлар)

Ҳозирги ўзбек адабий тилида таълим-тарбия билан боғлиқ *педагог, муаллим, мураббий, ўқитувчи* касб-хунар номлари ўзаро синоним луғавий бирликлар сифатида фаол ишлатилмоқда.

Худди шу тарзда қуйидаги мавзуий гуруҳлар таҳлили берилди.

II. Тиббиёт соҳаси билан боғлиқ касб-хунар номлари: *табиб, акушерка, аптекачи, доктор, шифокор, жарроҳ (хирург), врач, стоматолог.*

III. Қишлоқ хўжалигига оид касб-хунар номлари: *зироатчи, деҳқон, галлакор, бозбон, сувчи // мироб, фермер, бригадир, агроном, пахтакор* каби.

IV. Савдо-сотик билан боғлиқ касб-хунар номлари: *савдогар, магазинчи, дўкончи, балиқфуруш, сотувчи, гиламфуруш, даллол* каби.

V. Меъморчилик билан боғлиқ касб-хунар номлари: *меъмор, нақшсоз, наққош, архитектор* каби.

VI. Қурилиш соҳаси билан боғлиқ касб-хунар номлари: *инженер // муҳандис, бетончи, бўёқчи, дурадгор, сувоқчи, чилангар, прораб* каби.

VII. Ҳунармандчиликка оид касб номлари: *тақачи, мисгар, чилангар, заргар, бўзчи, атласчи, адрасчи, гиламчи, шолчачи, наматчи* каби.

VIII. Спорт билан боғлиқ касб-хунар номлари: *чавгончи, кўпкаричи // улоқчи, боксчи, футболчи, гимнастикачи, баскетболчи, каратечи, курашчи, атлет, каноэчи, марафончи* каби.

IX. Пазандачилик – лазиз таомлар таёрлаш маҳорати ва санъати билан боғлиқ касб-хунар номлари: *ошпаз, пазанда, кабобпаз, каллапаз, сомсапаз, мантипаз* каби.

X. Ҳуқуқ, суд ишлари билан боғлиқ касб-хунар номлари: *адвокат, арбитр, судья, терговчи, прокурор* каби.

XI. Ҳарбий соҳа билан боғлиқ касб-хунар номлари: *аскар // солдат, офицер* каби.

XII. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари, матбаага доир касб номлари: *тележурналист, радиожурналист, мухбир, сўз устаси, диктор, телешарҳловчи, муқоваловчи, мусахҳиҳ, ношир* каби.

XIII. Иқтисод, молия соҳаларига доир касб-хунар номлари – иқтисодий масалалар, пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, уларни сарф қилиш, ишлатиш тизими билан шуғулланувчиларни ифодалайди: *банкир, кассир, молиячи аудитор, банкир, брокер, бухгалтер // ҳисобчи, инкассатор, экономист // иқтисодчи, экспедитор, кассир* каби.

XIV. Техника билан боғлиқ касб-хунар номлари: *механик, механизатор, техник, телемеханик, бортмеханик, электротехник, приборсоз* каби.

XV. Алоқа тизимига доир касб-хунар номлари. Бу туркумга алоқа – турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш; халқ хўжалигининг почта, телефон, телеграф, радио, телевидение ва бошқалар орқали ахборотларни узатиш ҳамда қабул қилишни, почта орқали буюмлар юборишни таъминлайдиган тармоғига доир касб-хунар номлари киради. Масалан, *алоқачи, оператор, радиотехник, радист // радиочи, телефонист, телеграфист // телеграфчи, почтальон // почтачи* каби.

XVI. Транспорт билан боғлиқ касб-хунар номлари. Бу туркумга халқ хўжалигининг юк ва пассажирлар ташиш билан шуғулланувчи тармоғига доир касб-хунар номлари киради: *автобусчи, диспетчер, шофёр, кондуктор, трамвайчи, троллейбусчи, таксист // таксичи, паровозчи, проводник, учувчи, стюардесса, авиатор, паромчи, кемачи* каби.

XVII. Санъат билан боғлиқ касб-хунар номлари: *ҳофиз, ашулачи, хонанда, артист, раққос, раққоса, созанда, созчи, машшоқ, чолғувчи, муסיқачи // музикачи, дуторчи, дуторбоз* каби.

Бобнинг “**Касб-хунар номлари семантик структурасидаги ўзгаришлар**” номли 2-бўлимида эса касб-хунар номлари микромайдонига хос маъно торайиши, маъно кенгайиши каби семантик ўзгаришлар, синонимия, полисемия, дублетлик ҳодисалари батафсил тадқиқ этилган.

Касб-хунар номлари лексик-семантик гуруҳида ҳам полисемия ҳодисаси кузатилади. Масалан, *доктор, дуторчи, телпакчи, узумчи, тунукасоз, судья,*

ҳолвачи, ҳужумчи, дўппичи, замбилчи, достончи, ўроқчи, ўқчи, сабзавотчи каби касб-ҳунар номлари бир неча маънолар ифодалашига кўра кўп маънолидир.

Дуторчи касб-ҳунар номи ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Дутор чалувчи созанда: *Дуторчи дуторнинг қулогини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* (А.Қаҳҳор, Қанотсиз читтак)

2. Дутор ясовчи уста.¹

Касб-ҳунар номларида полисемия, асосан, асосга кўп маъноли қўшимча қўшиш натижасида юзага келган: *узумчи, гулчи, дўппичи, телнакчи, дуторчи* каби.

Касб-ҳунар номлари орасида ҳам синонимия ҳодисаси кузатилади. Масалан, *табиб, врач, доктор, шифокор* сўзлари ўзаро синоним.

Синонимлар асосан икки йўл билан пайдо бўлади: биринчидан, ҳар бир тилнинг ўз ички имкониятлари асосида, иккинчидан, бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳисобига: *тилишунос – лингвист, доришунос – фармацевт* каби.

Илмий манбаларда дублетлик ҳодисасини синонимларнинг бир (тури) кўриниши сифатида қайд этилади. Айримларида дублетлик тўлиқ ёки мутлақ синонимия деб қаралади. Дублетлик тилнинг луғавий сатҳига хос бўлиб, айрим касб-ҳунар номлари доирасида буни кўришимиз мумкин: *жарроҳ – хирург, тилишунос – лингвист, инспектор – назоратчи, инженер – муҳандис* каби.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим касб-ҳунар номларини шошма-шошарлик билан алмаштириш ярамайди. Масалан, *врач* сўзи русча. Бу сўзни *шифокор, ҳаким* сўзлари билан алмаштириб қўллаш кузатилади, бироқ *шифокор* умумий маънога эга. Масалан, *ҳамишира* ҳам шифокор. *Врач* сўзи ўзбек тилида *санитария врач, ветеринария врач (ветврач)* каби бирикмаларда ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда *санитария ҳакими, ветеринария ҳакими* деб бўлмайди. Шу боис Атамашунослик қўмитаси *врач* сўзини қўлланишини тавсия этган.²

Мазкур бобнинг 3-бўлимида эса “**Касб-ҳунар билан боғлиқ лингвокультуремалар таҳлили**” ёритилган. Ўзбек тилидаги касб-ҳунар билан боғлиқ миллий лингвокультуремаларни мақоллар, антропонимлар, ойконимлар (касб-ҳунар номи билан аталган аҳоли манзилларининг номлари), геортонимлар (касбий байрам номлари) каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Инсоннинг муайян касб-ҳунар ўрганиши, у билан шуғулланиб ҳалол оила тебратиши лозимлиги, диний манбаларда ҳам уқтирилади. Уламолар айтишади: “Тўрт нарса саодат далилидир: тўғри сўз, тавозеъ, ҳалол касбу ҳунарнидаги меҳнат, сир сақлаш”.

Ўзбек лингвокультуремаларининг сара намуналаридан бири бўлган “*Қунт билан ўрган ҳунар, Ҳунардан ризқинг унар*”, “*Ҳунар тўйгазар, От*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 1-ж. – Б.670.

² Тил – дарё / Тўпловчилар: А. Суён, А. Султон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б. 12.

миндириб, тўн кийгазар”, “Касб, касб туби – насиб”, “Хунар оқар булоқ, Илм – ёнар чироқ”, “Хунарли йигит – мевали дарахт”, “Хунар – туганмас хазина”, “Хунарга эга бўлиш – конга эга бўлишдир”, “Хар хунарнинг чамани бор”, “Хунар, хунардан ризқинг унар”, “Хунар ва билим – мулкдир” каби бир туркум пурмазмун халқ мақолларида хунарнинг улуғлиги, инсон ижтимоий ҳаётидаги моҳияти, аҳамияти, хунар – турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан бири, хунарманд, яъни турли хунар эгаларининг ҳаётда тўкин, тўқ, яхши яшашлари, ҳатто, уларнинг касб-кори тақдири эканлиги айтилса, “Деҳқон бўлсанг, ер бошида бўл, Сипоҳ бўлсанг эл қошида бўл” мақоли ва унинг “Деҳқон бўлсанг, рошида бўл, Чўпон бўлсанг – қошида”, “Экинчи бўлсанг, қирда бўл, Балиқчи бўлсанг, сувда бўл” каби вариантларида нафақат деҳқон, сипоҳ, чўпон, балиқчи, умуман, ҳар бир касб эгаси ўз иш ўрнида бўлиши, касбининг ривожини ва такомилни ҳақида астойдил қайғуриши, сидқидилдан меҳнат қилиши ва касбини билан эл-юрт корига яраши лозимлиги уқтирилади.¹

Касб-хунар номларини ифодаловчи оддий луғавий бирликлар тил тараққиёти жараёнида ономастик конверсия усулида киши номлари – антропонимлар ва жой номлари – топонимларга ҳам ўтган, яъни маълум касб-хунар тушунчасини ифодалашдан алоҳида шахсларни, муайян жой номларини аташга хосланган. Бундай хусусият фақат ўзбек тилидагина эмас, бошқа туркий тилларда ҳам кузатилади.

Ўзбек тили тарихий антропонимиясида *Аттор, Баззоз, Жиловдор, Сайёд, Сангин, Мударрис, Навкар, Мирзо // Мирза, Мунажжсим, Нажжор, Саркор, Сардор, Сарроф, Шаҳсувор, Чавандоз, Ғаввос*, ҳозирги ўзбек адабий тилида *Адиб, Адиба, Богбон, Деҳқонбой, Заргар, Раққоса, Рассом, Раҳбар, Муаллима, Мураббий, Котиба, Шоир, Шоира, Ҳофиз, Ҳофиза* каби касб-хунар номлари луғавий асоси бўлган антропонимлар кузатилади. Айниқса, ҳозирда *Адиб, Адиба, Шоир, Шоира* каби исмлар фаол қўлланади, кўп кузатилади.

Қадимдан маҳалла ва қўчаларга хунармандчилик билан боғлиқ номлар берилган. Ўзбекистон ойконимиясида бундай номлар салмоқли ўрин тутди. Наманган вилоятида ҳам *Кўзагарлик* (Нам. ш.), *Читгар* (Косон. т.), *Этикдўз, Дўзанда* (Чуст т.) каби ойконимлар мавжуд.

